Yashil IQTISODIYOT va TARAQQIYOT
Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2024

# “YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI

# INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY

# ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕНОЙ” ЭКОНОМИКЕ

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil 20-may




MAXSUS SON

74-91 xalqaro daraja
ISSN: 2992-8982

# Yashil IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal



**Bosh muharrir:**
**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich**

**Bosh muharrir o‘rinbosari:**
**Karimov Norboy G‘aniyevich**

**Muharrir:**
**Qurbonov Sherzod Ismatillayevich**

**Tahrir hay’ati:**
**Salimov Oqil Umrzoqovich,** O‘zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
**Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich,** O‘zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
**Rae Kvon Chung,** Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, “Nobel” mukofoti laureati
**Osman Mesten,** Turkiya parlamenti a’zosi, Turkiya – O‘zbekiston do‘stlik jamiyati rahbari
**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich,** t.f.d., prof., O‘zR Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri
**Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich,** i.f.d., O‘zR Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri o‘rinbosari
**Axmedov Durbek Kudratillayevich,** i.f.d., prof., O‘zR Oliy Majlisi qonunchilik palatasi deputati
**Xudoyqulov Sadirdin Karimovich,** i.f.d., prof., TDIU YoMMMIB birinchi prorektori
**Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna,** i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori
**Kalonov Muxiddin Baxritdinovich,** i.f.d., prof., “O‘IRIAM” ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor
**Yuldashev Mutallib Ibragimovich,** i.f.d., TMI professori
**Samadov Asqarjon Nishonovich,** i.f.n., TDIU professori
**Slizovskiy Dimitriy Yegorovich,** t.f.d., Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti professori
**Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich,** i.f.d., prof., Xalqaro “Nordik” universiteti rektori
**Aliyev Bekdavlat Aliyevich,** f.f.d., TDIU professori
**Axmedov Ikrom Akramovich,** i.f.d. TDIU professori
**Po‘latov Baxtiyor Alimovich,** t.f.d., profesor
**Eshtayev Alisher Abdug‘aniyevich,** i.f.d., TDIU professori
**Isakov Janabay Yakubbayevich,** i.f.d., TDIU professori
**Musyeva Shoira Azimovna,** SamDu IS instituti professori
**Axmedov Javohir Jamolovich,** i.f.f.d., “El-yurt umidi” jamg‘armasi ijrochi direktori o‘rinbosari
**Toxirov Jaloliddin Ochil o‘g‘li,** t.f.f.d., TAQU katta o‘qituvchisi
**Xalikov Suyun Ravshanovich,** i. f. n., TDAU dotsenti
**Kamilova Iroda Xusniddinovna,** i.f.f.d., TDIU dotsenti
**Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi,** i.f.f.d., TDIU dotsenti
**Rustamov Ilhomiddin,** f.f.n., Farg‘ona davlat universiteti dotsenti
**Fayziyev Oybek Raximovich,** i.f.f.d. (PhD), Alfraganus universiteti dotsenti
**Sevil Piriyeva Karaman,** PhD, Turkiya Anqara universiteti doktaranti
**Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o‘g‘li,** TDIU mustaqil tadqiqotchisi
**Utayev Uktam Choriyevich,** O‘zR Bosh prokuraturasi boshqarma boshlig‘i o‘rinbosari
**Ochilov Farxod,** O‘zR Bosh prokuraturasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo‘limi boshlig‘i
**Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna,** TDIU katta o‘qituvchisi

**Ekspertlar kengashi:**
**Berkinov Bazarbay,** iqtisodiyot fanlari doktori, professor
**Hakimov Ziyodulla Ahmadovich,** i.f.d, TDIU dotsenti
**Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich,** i.f.f.d, TDIU dotsenti
**Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi,** i.f.d., TMI dotsenti
**Babayeva Zuhra Yuldashevna,** TDIU mustaqil tadqiqotchisi



Muassis: “Ma’rifat-print-media” MChJ
Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘zR Tabiat resurslari vazirligi, O‘zR Bosh prokuraturasi huzuridagi IJQK departamenti.

## II shu'ba

# "YASHIL" IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

## Section II

# DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

## II секция

# ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В "ЗЕЛЕНУЮ" ЭКОНОМИКУ



# КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Турдиева Узайда Омирбаевна**
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
мустақил изланувчиси

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши асосан тижорат банклари орқали молиялаштирилаётган бўлиб, улар томонидан ажратилаётган кредитларнинг нисбатан юқори фоизда эканлиги ва кўп ҳолларда кредит олишнинг қийинлиги муқобил молиялаштириш манбаларини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Капитал бозори ана шундай манбалардан бири сифатида эътироф этилаётган бўлиб, у капиталнинг бошқа тури, яъни кредит сингари қарз маблағи ҳисобланмаган акциядорлик капиталини таклиф қилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг глобал иқтисодиёт сари тобора очилиб бораётганлиги капитал бозорини ривожлантириш учун кўплаб имкониятларни юзага келтирмоқда. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланишда давлатнинг роли ниҳоят даражада юқори бўлиб, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор асосий меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар капитал бозорининг ривожланишини таъминлаб бермоқда (1-жадвалга қаранг). Мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантиришда бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилаётган бўлиб, қуйида улар хусусида қисқача маълумот келтириб ўтамиз:

- Ўзбекистон фонд бозорида эркин муомаладаги акцияларнинг бозор капиталлашуви кўрсаткичи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2020–2023 йиллар оралиғини оладиган бўлсак, 2020 йилда бу кўрсаткич 242 млн. АҚШ доллари ташкил этган бўлса, 2023 йилга 340 млн. АҚШ долларини ташкил этган, яъни салкам 100 млн. АҚШ доллари миқдорида кўпайган[1];
- эркин муомаладаги акцияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан бозор капиталлашуви ҳам сўнгги 4 йил давомида маълум даражада ўсишга эришган. Масалан, 2020 йилда бу кўрсаткич 0,40 % ни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 0,42 % ни ташкил этган[2];

1-жадвал: Мамлакатда капитал бозорининг ривожланишини таъминлаётган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар[3]

| Ҳужжатлар | Қисқача тавсиф |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ- 6207-сонли Фармони | Ушбу ҳужжат билан 2021–2023 йиллар учун капитал бозорини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, булар 2023 йилгача бўлган муддатда мамлакатимизда капитал бозори ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берди. |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 60-сонли Фармони | Ушбу ҳужжат билан миллий иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича бир қанча муҳим вазифалар белгилаб берилган. |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сонли Қарори | Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сонли Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон−2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ- 158-сонли Фармони | Ушбу ҳужжатда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Фонд бозори 20 баробардан ҳам кўп ҳажмда ўсиши кераклиги таъкидланган. |

1 “Тошкент” Республика фонд бозорининг расмий интернет сайти. www.uzse.uz
2 Ўша манба
3 Ушбу жадвалдаги маълумотларни келтиришда www.lex.uz сайтидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сонли Қарори билан капитал бозоридаги регуляторлик вазифаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги га ўтказилди[4]. Бунинг сабаблари кўп бўлиб, улар орасидан энг асосийси сифатида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бир вақтнинг ўзида Фонд бозорининг ягона дастурий-техник комплекси ва Корпоратив ахборот ягона порталининг эгаси, шунингдек бир қатор компанияларнинг акционери бўлганлиги боис юзага келган манфаатлар тўқнашувини кўрсатишимиз мумкин ва ҳ.к.

Умуман олганда яна кўплаб каби бу каби ютуқ ва муваффақиятларни келтириш мумкин бўлиб, буларнинг барчаси мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантиришга давлат томонидан устувор аҳамият берилаётганлигидан далолат беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, капитал бозори, айниқса, унинг ажралмас қисми ҳисобланган фонд бозори ривожланишнинг бошланғич босқичида бўлганлиги боис, табиийки, бир қатор ечимини кутиши керак бўлган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига давлат улушига эга корхона ва банкларнинг IPOга етарли даражада чиқа олмаётганлиги, фонд бозорида муомалада бўлаётган акциялар ликвидлигининг юқори даражада эмаслиги, фонд бозорида хорижий инвесторлар ва агентлар сонининг кам миқдорни ташкил этиши, миноритар акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг етарли даражада ҳимоя қилинмаётганлиги ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан юқорида эслатиб ўтганимиздек, бундай муаммоларни бартараф этиш йўлида муҳим қадамлар ташланаётган бўлиб, улар капитал бозорини ривожлантириш орқали мамлакатдаги иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилгандир. Чунки сир эмаски, капитал бозорининг ривожланиши мамлакатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичи бўлган ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига муҳим таъсир кўрсатади, айниқса, капитал бозорининг ажралмас қисми ҳисобланган фонд бозорининг ривожланиши аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси ва расмий даромад манбаларининг ошишига замин яратади, шунингдек, мамлакатда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини юқори даражада ҳимоя қиладиган тизимнинг ривожланишига таъсир кўрсатиб, бу мамлакатнинг глобал бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Тошкент” Республика фонд бозорининг расмий интернет сайти. www.uzse.uz
2. www.lex.uz сайтидан фойдаланилди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сонли Қарори. www.lex.uz

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сонли Қарори. www.lex.uz

# MUNDARIJA

I shu'ba

IJTIMOIY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN "YASHIL" IQTISODIYOTGA JADAL O'TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К "ЗЕЛЕНОЙ" ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade ........ 4
**Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda**

Направления совершенствования стратегии компании для успешной организации IPO ........ 9
**Шахзод Сайдуллаев**

"Yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish ........ 11
**Abdurahmonov Xolboy To'xtayevich**

Тўқимачилик саноати кластерлари инновацион фаолиятининг барқарор ривожланиш муаммолари ва ечимлари ........ 14
**Икрамов Мақсад Муратович**

O'zbekistonda chakana savdo korxonalarini rivojlanishi va innovatsion faoliyati ........ 20
**Karimov Baxrom Ilxomjonovich**

Unveiling the Dynamics of Agglomeration Economies in Sustainable Development ........ 24
**Khakimov Ziyodulla Akhmadovich**

Kimyo tolalari asosida to'qimachilik mahsulotlari bozorini diversifikatsiyalash usullari ........ 28
**Raximov Furqat Jalolovich**

Qashqadaryo viloyatida Safari turizmini rivojlantirish dinamikasini o'rganish ........ 32
**Ro'ziyev Bobir Akramovich**

Брендни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича замонавий маркетинг назариялари ва стратегиялари ........ 34
**Зияева Шахло Шоакбар қизи**

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade ........ 37
**Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda**

Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари ........ 42
**Каримов Бекзоджон Илхомович**

Ichki turizmni rivojlanlantirish tashkiliy mexanizmining asosiy prinsiplari ........ 45
**Dehqonov Burxon Rustamovich**

"Yashil" iqtisodiyotga o'tishda ko'zi ojizlar bandligining innavatsion yechimi ........ 48
**Usmonov Ziyodulla Ulmas o'g'li**

Аудиторлик текширувини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш хусусиятлари ........ 51
**Исмоилова Феруза Исроиловна**

II shu'ba
"YASHIL" IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA
ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI
Section II
DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION
OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY
II секция
ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ
ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В "ЗЕЛЕНУЮ" ЭКОНОМИКУ

Ta'minot zanjirini boshqarishda transport logistikasi usullarini takomillashtirish ........ 56
**Zoxidova Nazokat Berdimurot qizi**

Rivojlanayotgan mamlakatlarda fond bozorining rivojlanishi tahlili ........ 58
**Axmedov Doniyorbek Ulugbek o'g'li**

Davlat moliyasini boshqarishda moliyaviy nazorat usullaridan samarali foydalanish yo'llari ........ 60
**Kultayev Farxod Shavkatovich**

Янги Ўзбекистонда инсон экологиясини юксалтиришнинг инновацион механизмлари ........ 62
**Ҳакимов Назар Ҳакимович, Рахмонов Дўстмурод Абдиназарович**

Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда саноат ипотекасининг ўрни ........ 67
**Султанов Бахром Бегдуллаевич**

Ижтимоий ҳимояни ривожлантиришда янгича ёндашувлар ........ 70
**Каримов Бекзоджон Илхомович**

Капитал бозорини ривожлантириш масалалари ........ 72
**Турдиева Узайда Омирбаевна**

Инновацион тараққиёт йўлига ўтиш даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи таъсирини оширирилиши ........ 74
**Алимжон Қулматов**

Zamonaviy logistika tizimida marketing strategiyalaridan foydalanishni takomillashtirish ........ 78
**Xasanov Sarvar Ulug'bek o'g'li**

Jurnal sayti: https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz

# Yashil IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

**Ingliz tili muharriri:** Feruz Hakimov

**Musahhih:** Xondamir Ismoilov

**Sahifalovchi va dizayner:** Iskandar Islomov

## 2024. Maxsus son

© Materiallar ko‘chirib bosilganda ““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali manba sifatida ko‘rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma’sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin. Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

El.Pochta: sq143235@gmail.com
Bot: @iqtisodiyot_77
Tel.: 93 718 40 07

Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo‘lishingiz mumkin. Obuna bo‘lgach, @iqtisodiyot_77 telegram sahifamizga to‘lov haqidagi ma’lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo‘natishingizni so‘raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo‘natamiz.

““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali 03.11.2022-yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan.
**Litsenziya raqami:** №046523. PNFL: 30407832680027

**Manzilimiz:** Toshkent shahar, Mirzo Ulug‘bek tumani
Kumushkon ko‘chasi, 26-uy.

Jurnalning ilmiyligi:

““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2023-yil 1-apreldagi 336/3-sonli qarori bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan.